

The background of the cover features a complex, abstract geometric design. It consists of various overlapping shapes, including circles, arcs, and rectangular blocks, rendered in shades of blue, orange, and grey. The design has a technical or architectural feel, reminiscent of a blueprint or a mechanical diagram. The overall color palette is muted, with a light beige background and darker accents in blue and orange.

# SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

# SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 1

JANUARY 2022

[www.openscience.uz](http://www.openscience.uz)

54.	Баходир Хаҗанович Маматкулов, Гулноза Норбоевна Маматкулова Абдулатиф Абдишукур оглы Шермухаммедов Преподавание физики - важный фактор формирования научного мира	386
55.	Malika Jamoldin qizi Bekiyeva Frazeologiya bo'limining mustaqil fan bo'lib shakllanishi	393
56.	Dilfuza Pardayevna Rasulova Boshlang'ich ta'lim o'quvchilarini o'qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish	400
57.	Feruza Inomovna Mustafokuova, Ziyodabonu Sayfulla qizi Mullajonova Chet tillarini online o'qitish va o'rganishning muammolari va yechimlari	404
58.	Xolida Baxtiyor qizi Choriyeva Sambo kurashchilarda kuch sifatini tarbiyalash metodini takmillashtirish	408
59.	Gulhayo Baxtiyarovna Pardayeva The role of online resources for teaching pronunciation	413
60.	Dilraboхon Baxtiyor qizi Sirojiddinova, Shahnoza Adhamjon qizi Murodova Ingliz tilida modal fe'llarining o'ziga xos xususiyati	419
61.	Гулмжон Гафурович Курбонов, Гулшан Бахшиллоевна Камолова Умумтаълим мактабларининг математика дарсларида рақамли таълим технологияларидан фойдаланишнинг дидактик тамойиллари	424
✓62.	Ислон Илхом ўғли Ахтамов Музыка маданияти дарсларида халқ музикасининг ўрни	431
63.	Матлуба Рустамовна Мирзаабдуллаева, Абдуғани Муратович Муқимов Ўзбекистон ер қонунчилигида ислохотлар	437
64.	Orzikul Kadyrovich Khalilov, Abbas Nabijanovich Jumanov Structured education is a link of advanced pedagogical technology	444
65.	Ra'no Abatovna Isakova Matematika fanini o'qitishda ilg'or metodlar	449
66.	Zarifa Ismoilova, Nasiba Nasriddinova Learner Corpora and Corpus informed teaching materials for economy faculty students	453
67.	Sayyora Xabibullayevna Toshboyeva Problems of comparative-comparison method in Uzbek and world detective novels	456
68.	Feruza Salimjonovna Maxmudova Stimulating students' reading skills through authentic materials	459
69.	Dilobar Tursunpolatovna Haytbayeva Linguoculturological features of medical terms in English and Uzbek	462
70.	Lutfiya Umurzoqovna Xoliqova A study of lingvokulturemas in historical narratives in English and Uzbek	465
71.	Nargiza Abdulxafizovna Yusupova Methods of developing simultaneous translation skills among pupils in secondary education	468
72.	Muxtasarxon Qosimjon qizi G'aniyeva Biologiya fanining boshqa fanlar bilan aloqadorligi	472
73.	Мадинахон Шухратхужа кизи Ашрабхужаева Лингвопрагматика как основа изучения взаимосвязи языка и его использования	476
74.	Malohat Abror qizi Ahmadjonova, Nilufar Ilhomovna Rejаметова Musiqqa madaniyati darslari jarayonida multimedia texnologiyalaridan foydalanish uslublari	481
75.	Shakhnoza Amirovna Mardiyeva, Laylo Obloberganova Socio-psychological factors influencing the formation of leadership skills in the student community	486

## Музыка маданияти дарсларида халқ музыкасининг ўрни

Ислом Илхом ўгли Ахтамов  
Бухоро давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада халқ кўшиқларининг рангба-ранг манзаралари, уларда халқ ҳаёти, меҳнати, орзу-ҳаваслари, кувонч ва ғамларининг акс етганлиги таҳлил асосида келтирилган. Бунда кўшиқларнинг лад асослари, куй тузилмалари, адабий матнлар, айрим болалар халқ кўшиқларининг тавсифи ва ифода воситалари назарий ва услубий таҳлил етилган.

**Калит сўзлар:** халқ кўшиқлари, куй тузилмалари, ахборот технологиялари, бахшичилик санъати, европа музыкаси, мақом санъати, композитор кўшиқлари.

## The role of folk music in the lessons of musical culture

Islom Ilkhom ugli Akhtamov  
Bukhara State University

**Abstract:** Based on the analysis, this article presents colorful landscapes of folk songs, which reflect folk life, work, dreams, joys and sorrows. It provides a theoretical and methodological analysis of the fret foundations of songs, melodic structures, literary texts, descriptions and means of expression of individual children's folk songs.

**Keywords:** folk songs, melodic constructions, information technologies, art of bakhshi, European music, art of maqom, songs of composers.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий соҳаларда туб ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Жамиятимизда рўй бераётган маънавий тикланиш, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, миллий маънавий, маданий меросимиз дурдоналари билан танитириш жараёнлари юксак даражадаги, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни рағбатлантириш асосига қурилмоқда. Миллий маънавий, маданий жумладан муסיкий меросдан фойдаланиш имкониятлари ва улардан фойдаланиш ҳолатини, уларга юклатилган педагогик, маънавий - ахлоқий тарбия вазифалари нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим илмий-педагогик вазифа бўлиб қолмоқда.

Мустабид тузум даврида таълим муассасаларида ўқувчиларга ўз миллий муסיкий меросимиз асосида таълим-тарбия беришга тўсқинлик қилиб, унинг ўрнига рус ва Ғарбий европа мамлакатлари муסיқасидан кенг фойдаланиш тавсия етилган еди. Музыка фани дарсликлари ҳам асосан марказдан юборилган

андазалар асосида тузилиб, айрим ўзбек композиторлари кўшиқларини киритиш билан чекланган еди. 2017-йил 17- ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон республикаси президентининг қарори, 2018-йил 1-ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари миллий мусиқамизнинг кейинги юксалиши ва еътибор топишида катта туртки бўлди. Ушбу қарорлар асосида 2018 - йил Шаҳрисабзда илк бор миллий мақом санъати конференцияси ва 2019- йилда Термизда Халқаро бахшичилик фестивали ташкил етилди. Мусиқий таълимнинг дастури ва дарсликларини миллий мусиқамиз асосида ташкил етиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди.

"Мусиқа маданияти" ўқув фанининг мазмунига бўлган талаблар назарий ва амалий фаолиятлар мажмуасидан ташкил топиб, улар қуйидаги мавзуларни белгилайди.

Бошланғич мусиқа саводи, мусиқий асарлар ижодкорлари фаолияти, мусиқа ижрочилиги, бастакорлар ва композиторлар ижодини, ўзбек чолғу асбобларини билишни, машҳур ўзбек халқ созанда ва хонандалар ижодий фаолияти, мусиқий атама ва иборалар, мусиқа жанрлари каби мавзулар асосида миллий мусиқа маданиятимизни ўзлаштиришни назарда тутати.

Бу мавзулар дарс жараёнида қуйидаги ўқув фаолиятларида назарий ва амалий машғулотлар воситасида бажарилади.

1. Мусиқа тинглаш
2. Жамоа бўлиб куйлаш
3. Мусиқа саводи.
4. Мусиқа ижодкорлиги.

Мусиқа тинглаш таълим мазмунининг асосини ташкил этади. Асарларни куйлаш, тинглаш фаолиятлари воситасида ўрганиш билан бир қаторда ритмик чолғучилик, мусиқали ҳаракатлар, ижодкорлик фаолиятлари билан ҳар томонлама ўрганиш ва ўзлаштириш, мусиқий тавсифларни ифодалаш имконияти яратилади. Ўзбек халқ мусиқаси, ўзбек бастакорлари ва композиторлари мусиқий асарларидан намуналар тингланади.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолияти ўқувчиларнинг мусиқий қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир.

Мусиқа саводи барча билимларни назарий бирлаштирувчи фаолият сифатида муҳимдир.

Ўзбек халқи ўзининг қадимий бой мусиқа меросига эга. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ажралмас қисмини кўшиқ-айтимлар ташкил этади. Мавзу ва мазмун жиҳатдан хилма-хил бу кўшиқлар ўзида халқ ҳаёти, турмуш тарзини ифода этади. Бу мусиқа дурдоналари хилма-хил жанр, шакл ва мазмунга эга.

Халқ мусикасини ўргатиш ва уни келажак авлодга етказишда В.А.Успенский, Ю.Ражабий, И.Акбаров, Файзулло Кароматов ва бошқа мусикашуносларимизнинг ҳиссалари катта.

Меҳнат қўшиқлари - халқ томонидан ер ҳайдаш, ҳосил йиғиш, тегирмон тортиш, ип йиғириш каби жараёнларда ижод этилган ва куйланган.

Бажарилаётган меҳнат турига қараб мазкур айтимларни чорвадорлик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик қўшиқлари каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Хусусан, деҳқончилик қўшиқлари ҳам ўз мавсумига қараб турлича бўлган. Чунончи, ер ҳайдаш пайтида “Қўш ҳайдаш” (қўшчи қўшиғи) куйланган бўлса, ҳосилни йиғиб олишда “Ўрим қўшиғи” айтилган. “Хўп ҳайда” қўшиғи эса хирмон янчишда куйланган.

Ўзбек халқининг ўтмиши давомида байрам тусини олган кўплаб маросим, сайл ва турли ўйинлар шаклланган. Хусусан, бешик тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи, кўпкари улоқ мусобақа ўйини, дор ўйини каби томошалар ва сайллар шулар жумласидандир. Оммавий байрам ва маросимларнинг ўтказилиши аксарият кеч куз мавсумига тўғри келган ва у янги меҳнат мавсуми бўлган эрта баҳорга қадар давом этган. Чунки, айнан шу паллада деҳқонлар йиғим-терим ишларини тугатгач, хордиқ чиқариш учун вақт кўпроқ бўлган.

Ўзбек халқининг йил ойлари ва фаслларига боғлиқ ҳолда ўтказиладиган анъанавий маросим ва удумлари бор. Масалан, гўзал баҳор фаслида Наврўз байрами кенг нишонланган, лола сайллари ҳамда деҳқончилик меҳнатининг бошланиши билан боғлиқ “Шўх мойлар” маросими ўтказилган. Халқ оғзаки мусика ижодида ана шу каби мавсум маросимларга бевосита (ёки билвосита) боғлиқ қўшиқлар ҳам юзага келган.

Болалар қўшиқларининг кўпчилиги ўйин билан ёки ўйин вазиятида айтилган. Баҳор фаслида куйланган “Бинафша”, “Читтигул”, “Ёмғир ёғалоқ”, “Лайлак келди” сингари қўшиқлар шулар жумласидандир масалан, баҳор чоғи ёмғир шивалаб ёғаркан, шу фурсатда қувонган болалар ўйинга берилиб, мутойиба ила “Ёмғир ёғалоқ” қўшиғини куйлаганлар.

Мактаб “мусика маданияти” дарсларида ўрганилиши ва тингланиши назарда тутилган халқ қўшиқлари дарслар дастурига асосан танланган. Уларнинг айримларидан масалан: “Хўп ҳайда”, “Оҳ лайли” ёки “Томдан тараша тушди”, каби болалар халқ қўшиқлари мавзуларга мисол сифатида берилган бўлса, “Яллама ёрим”, “Ажам таронаси”, “Шодиёна” куйлар туркуми тинглаш учун тавсия этилган. Куйлаш учун тавсия этилган “Чамандагул”, “Баҳор келди”, “Ёмғир ёғалоқ”, “Ҳей лола” каби қўшиқларни ўргатиш, “Қаринаво”, “Муножот”, “Ганжи Қорабоғ” куй парчаларини нотага қараб куйлашни ўрганиш ўзига хос услубий ёндашувни талаб этади.

Тавсия этилган асарларни ўргатиш, тинглатиш, танитиштириш учун ҳар бир асарнинг яратилиш тарихи, ижро имкониятлари уларнинг айримларини маълум туркум ва маросимдаги ўрни, тавсифи, ифода воситалари ва бошқа хусусиятларини таҳлил қилиш асосида аниқлаб дарс жараёнида ўқувчиларни бу асарларни идрок этишга тайёрлаш зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Кушаев.И.А, Ахтамов.И.И «Проблемы индивидуальных музыкальных занятий в вузах Узбекистана» ACADEMY научно-методический журнал №3(66)2021
2. I.A.Kushaev «Musical pedagogical fundamentals of doston art» ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 2020/10/10. 1061-1067
3. IA Kushaev «Music pedagogical dollars of doston art» International Engineering Journal For Research & Development 2020/12/10
4. Ilkhom Akhtamovich Kushaev «Bakhshi art schools and their performing features» Scientific reports of Bukhara State University 2020//3/3 Стр.295-299
5. Илхом Ахтамович Қўшаев «Муסיқа маданияти дарсларида халқ муסיқаси намуналаридан фойдаланишининг аҳамияти» Scientific progress 2021/1/5
6. Р.Э. Атамуродов «Педагог музыкальной культуры - это понятие о педагогическом творчестве и педагогической технологии» Вестник науки и образования 2020. 21-2 (99)
7. Р.Э. Атамуродов «Проявление социально-психологических механизмов мотивации музыкальной деятельности» Scientific progress 2021/2/2 стр. 433-437
8. И.Ф. Каюмов, М Жураева «Место музыки в воспитании духовно-нравственных качеств учащихся 5-7 классов общеобразовательных школ» Проблемы педагогики 2020.3(48) Стр.17-19
9. QI Fayzullaevich «Culture and art values and aesthetics in formation factors» Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2021/2/25
10. IF Kayumov «Values and aesthetic factors in the formation of culture AND ART» International Engineering Journal For Research & Development 2020/12/1
11. ИИЎ Ахтамов «Мақом анъанавий касбий муסיқа намуналарини ўрганишда овоз хусусиятлари» Scientific progress 2021/1/5
12. Кушаев.И.А, Ахтамов.И.И «Педагогические основы традиционной профессиональной музыки (на примере искусства дастана)» ACADEMY научно-методический журнал ноябр-2020 Ст.59-62.
13. Холиков К. Б. Область применения фугированных форм. тройные и четверные фуги. фугетта и фугато. scientific progress volume 2 | issue 2 | 2021 issn: 2181-1601